



## COOPERATION BETWEEN STATE AND NON-GOVERNMENTAL ORGANIZATIONS IN IMPLEMENTING STATE YOUTH POLICY

**Zafar Arslonov**

Doctoral student

Institute for the Study of Youth Problems and Training of Promising Personnel of the Agency for Youth Affairs of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: [zafararslonov@gmail.com](mailto:zafararslonov@gmail.com)

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** youth policy, state, non-governmental organizations, cooperation, youth development, state policy.

**Received:** 31.03.25

**Accepted:** 02.04.25

**Published:** 04.04.25

**Abstract:** this article analyzes the issues of cooperation between state bodies, organizations and institutions and non-governmental non-profit organizations (NGOs) in implementing state youth policy. The article focuses on measures to increase the activity of young people in social life and further improve the effectiveness of youth programs. Finally, the author gives conclusions and recommendations for the development of this institution.

## ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

**Зафар Арслонов**

таянч докторант

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишилари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муваммоларини ўрганиши ва истиқболли кадрларни тайёрлаши институти  
Тошкент, ўзбекистон

E-mail: [zafararslonov@gmail.com](mailto:zafararslonov@gmail.com)

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** ёшлар сиёсати, давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ҳамкорлик, ёшларни ривожлантириш, давлат сиёсати.

**Аннотация:** ушбу мақолада ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат органлари, ташкилотлари ҳамда муасасалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ҳамкорлиги масалалари таҳлил қилинади. Мақолада асосий эътибор ёшларнинг ижтимоий хаётдаги фаоллигини ошириш ва ёшларга оид дастурлар самарадорлигини янада

ошириш чора-тадбирларига йўналтирилади. Якунда, муаллиф томонидан мазкур институтни ривожлантиришга қаратилган хуоса ва тавсиялар берилади.

## СОТРУДНИЧЕСТВО ГОСУДАРСТВЕННЫХ И НЕПРАВИТЕЛЬСТВЕННЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В РЕАЛИЗАЦИИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ В ОТНОШЕНИИ МОЛОДЕЖИ

**Зафар Арсланов**

*Докторант*

*Института изучения проблем молодежи и подготовки перспективных кадров Агентства по делам молодежи Республики Узбекистан*

*Ташкент, Узбекистан*

*E-mail: [zafararslonov@gmail.com](mailto:zafararslonov@gmail.com)*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** молодежная политика, государство, неправительственные некоммерческие организации, сотрудничество, развитие молодежи, государственная политика.

**Аннотация:** в данной статье анализируются вопросы сотрудничества государственных органов, организации и учреждений и негосударственных некоммерческих организаций (НКО) в реализации государственной политики в отношении молодежи. Основное внимание в статье уделяется мерам по повышению активности молодежи в общественной жизни и дальнейшему повышению эффективности молодежных программ. В конце автор дает выводы и реализации, направленные на развитие данного института.

### КИРИШ

Сўнгги йилларда ёшларга оид сиёsatни шакллантириш ва амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг (ННТ) ўрни тобора ортиб бормоқда. Давлат институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг мазкур йўналишдаги ҳамкорлиги бугунги ёшлар олдида турган мураккаб вазифаларни, жумладан, таълим, бандлике соҳасидаги масалаларни самарали ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз таъкидлаганларидек, шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, ҳалқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлик”. Ҳар қандай давлатнинг барқарор ривожланиши ва жамиятнинг ижтимоий-иктисодий тараққиёти ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли, ёшларга оид давлат сиёsatини амалга оширишда нафақат давлат органлари, балки нодавлат ташкилотлар (ННТ), фуқаролик жамияти институтлари ва хусусий секторнинг ҳамкорлиги

муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш долзарб масалалардан биридир.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Ёшлар жамиятнинг салмоқли қисмини ташкил этади ва келажакда инновациялар ва ўзгаришларни амалга ошириш учун салоҳиятга эга. Бинобарин, ёшларга оид давлат сиёсати ёшларнинг ўзига хос муаммолари, эҳтиёжлари ва интилишларини ҳал қилиш учун ишлаб чиқилади. Бироқ, ушбу сиёсатнинг муваффакиятли амалга оширилиши биз ўйлагандан кўпроқ нарсани талаб қиласди; нодавлат ташкилотлар (ННТ) билан ҳамкорликни тақозо этади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари давлатнинг сайдиҳаракатларини бойитиб, натижада ёшларни ривожлантириш дастурларини янада самарали амалга оширишга олиб келадиган бошлангич тажриба, инновацион стратегиялар ва жамоат алоқаларини олиб келади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари маҳаллий ҳамжамият ва давлат тузилмалари билан бирга фаолият юритади. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида тадбиркорлик учун зарур шарт-шароитлар яратиш бирламчи вазифа деб белгиланган. Мамлакатимизнинг минтақадаги геосиёсий ўрни ва глобаллашув жараёнининг таъсири натижасида, жаҳонда содир бўлаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнлардан ажралиб қола олмайди. Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти жамиятимизнинг янги ривожланиш босқичида ҳар томонлама жадал суръатлар билан ривожлантирилмоқда ва унинг юксалиш жараёни мамлакатнинг келажаги, ижтимоий-иктисодий тараққиётини таъминловчи омил сифатида эътироф этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Янги Ўзбекистонда амалий натижадорлик, инсон манфаатлари ва яна бир бор инсон манфаатлари иқтисодий ислоҳотларнинг бош мезонига айланди... Зоро, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш – фуқаролар, халқимиз фаровонлигини ошириш, ўрта синфи мустаҳкамлашнинг энг самрали йўлидир.” Тадбиркорлик фаолиятининг ёшлар камолотидаги ўрни, унинг фуқаролик жамияти ривожланиши жараёнидаги роли, кичик бизнеснинг ҳар бир мамлакат ривожидаги ўзига хос хусусиятлари, унинг юксалиш жараёни ҳар бир халқнинг менталитети, урф-одатлари, миллий қадриятларига, ёшларнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий онги ва маданиятининг шаклланганлик даражаларига ҳам бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистонда ёшлар сиёсати давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, унинг ҳуқуқий асослари қўйидаги қонун ва дастурларда белгиланган:

- “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун (2016 йил) – ёшларнинг

хукуқ ва манфаатларини химоя қилиш, уларга имкониятлар яратиш бўйича асосий меъёрларни белгилайди.

- **2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси** – ёшларнинг ижтимоий фаолигини ошириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлашни кўзда тутади.
- **Ёшлар ишлари агентлиги** ва бошқа давлат органлари орқали давлат сиёсати амалга оширилади.

Булардан ташқари, қатор халқаро ҳужжатлар ва ташкилотлар (БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ) билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ўзбекистоннинг миллий демократик давлатчилик тараққиётида ёшлар ҳал қилувчи куч бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, мамлакат аҳолисининг аксариятини ёшлар ташкил этиб, Статистика қўмитаси томонидан нашр этилган “Ўзбекистоннинг йиллик демографик тўплами”да 30 ёшгача бўлган аҳолининг сони 17 млн. 771 минг нафардан зиёд ва ўртача ёши 27,8 ёшни ташкил этиши ўзбекистоннинг ривожланишида ёшларнинг тутган ўрни қанчалик салмоқли эканлигини исботлайди. Республикаизда ёшларга оид давлат сиёсатининг миллий модели ишлаб чиқилган бўлиб, 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ти Конун ушбу фаолиятнингхуқукий асоси бўлиб хизмат қилди. Ушбу қонунда нафақат ёшлар бўйича давлат сиёсатининг мақсад ва вазифалари, балки, бу жараёнда бевосита ёшларнинг иштирокини таъминлаш масаласи ҳам ўз аксини топган эди. Иқтидорли ўғил-қизларни рағбатлантириш, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-кувватлаш, улар учун зарур ижтимоий хизматлар тизимини яратиш, ёш оиласарга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, вояга етмаганлар, шунингдек, ёшлар қатламининг айrim тоифаларини ижтимоий муҳофаза қилиш ана шулар жумласидандир.

Вазирлар Маҳкамасининг 18.01.2021 йилдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025-йилгacha ривожлантириш консепсиясини тасдиқлаш тўғрисида”ти 23-сон қарори қабул қилинди. Ёшлар иттифоқи негизида Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этиш ташаббуси билан Консепсия БМТнинг “Ёшлар-2030” стратегиясида белгиланган “Ёшлар манфаатларини кўзлаб, улар билан ишлаш» бош тамойилига асосланади. Шунингдек ҳужжат билан Консепсияни 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди. Консепсия 2023-йилдан бошлаб ҳар йили тасдиқланадиган тегишли “йўл хариталари” асосида босқичма-босқич амалга оширилади. Ёшлар ишлари агентлигига вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлклари билан биргаликда қуидаги вазифаларни амалга ошириш

топширилди: 2022-йилдан бошлаб ҳар йили 1-декабрга қадар тегишли “Йўл харитаси” бажарилиши якунларини батафсил ўрганиш асосида кейинги йил учун “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш; тегишли “йўл хариталари”нинг бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб бориш. Консепсияда қуидаги вазифаларни бажариш назарда тутилган: Ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш; таълимнинг барча босқичларида ёшларнинг сифатли таълим олишини таъминлаш, ҳудудларда инклузив таълим ривожланиши учун шарт-шароит яратиш; ёшларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш, уларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш; ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўнималарини ривожлантириш, улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган “Беш муҳим ташаббус”ни амалга ошириш; ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, ногиронлиги бор ёшлар, меҳрибонлик уйларида тарбияланган, етим болалар, боқувчисини йўқотган ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш; ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар жамоат ташкилотлари ва волонтёрлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш ва бошқалар.. ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, ногиронлиги бор ёшлар, Меҳрибонлик уйларида тарбияланган етим болалар, боқувчисини йўқотган ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар жамоат ташкилотлари ва волонтёрлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам акс этган.

Давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлиги қуидаги йўналишларда муҳим аҳамиятга эга:

- ✓ **Ёшларни иш билан таъминлаш** – хусусий сектор ва ННТлар орқали стажировкалар, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва грант дастурлари йўлга қўйилади.
- ✓ **Маълумот ва малакани ошириш** – таълим муассасалари ва ННТлар ўртасидаги ҳамкорлик ёшларнинг таълим сифатини оширишга ёрдам беради.
- ✓ **Ижтимоий муаммоларни бартараф этиш** – ёшларнинг мобил телефонларга қарамлиги, китоб ўқишига қизиқиши ошириш, радикаллашувнинг олдини олиш каби масалаларда ҳамкорлик муҳим.
- ✓ **Волонтёрлик ва фуқаролик жамияти ривожи** – ННТлар ёшларни жамиятга фаол жалб этишда катта рол ўйнайди.



1-расм. Юртимиздаги мавжуд ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириши мумкин бўлган нодавлат ташкилотлар

Миллий қонунчилигимизда ёшларни носоғлом ахборотлардан ҳимоялашнинг механизмлари мавжуд бўлиб, хусусан, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонунда “Ўзбекистон Республикасида ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан зўравонликни, ҳаёсизликни ва шафқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар ман этилиши”, “Бола хукуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда “Порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, инсон қадр-кимматини таҳқирловчи, болаларга заарли таъсир кўрсатувчи ва хукуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиш ҳамда фильмларни намойиш этиш тақиқланиши” белгилаб берилган бўлса-да, бугунги ахборот маконидаги тенденсиялар, ахборот экспансияси, агрессив ахборотларнинг кучайиши миллий қонунчилигимизни ва маърифий-тарбиявий ишларимизни янада кучайтиришни тақозо этади, десак, муболага бўлмас. Ҳар қандай давлатнинг ёшлар сиёсатини амалга оширишидан мақсади мамлакат иқтисодий ва сиёсий салоҳиятини олдиндан, яъни истиқболли тарзда мустаҳкамлаш, давлатчилик асосларининг келгуси захираларини яратиш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий такомиллашувнинг асосини барпо этишдан иборатdir. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёш авлод тарбияси, уларни комил инсон қилиб вояга етказиш, жамиятда ўзининг муносаб ўрнини топишига эришиш, халқ ва миллат манфаатларини шахсий манфаатларидан устун кўя оладиган этиб тарбиялаш юртимизда азалдан устувор масала бўлиб келган. Шу

сабабли давлатимиз томонидан ёшларга барча имкониятлар яратиб берилган. Ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, келажак мўлжалларини тўғри белгилаган ҳолда мақсадни аниқ қўя олсак ва дадил ҳаракат қиласак, тараққиётнинг янги марраларини кашф эта оламиз.

Ёшларга оид сиёsatни муваффақиятли амалга оширишда давлат тузилмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Ҳар икки соҳанинг қучли томонларини ишга солиш орқали ёшлар камолотига янада кенгроқ ва самарали ёндашувни амалга ошириш мумкин. Турли мақсадлар ва ресурслар чекловлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш очиқ мулоқот ва стратегик режалаштиришни талаб қилади. Ҳамкорлик, умумий мақсадлар ва қат'ий баҳолаш орқали давлат ҳам, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам ёшларга ўз муаммоларини ҳал қилиш ва жамият келажагига ижобий хисса қўшиш имкониятини бериши мумкин. Бу ҳамкорлик ёш авлод ўртасида чидамлилик, инновациялар ва фаол иштирокни ривожлантиришнинг муҳим механизми бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги кунда ҳам маҳалла ажримларнинг олдини олиш ва оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим рол ўйнайди. Ижтимоийлашув институти сифатида маҳалла ёш авлодни жамиятга мослаштириш вазифасини бажаради. Болалар ва ўсмирлар маҳаллада ижтимоий нормаларни ўрганиб, жамоа билан муносабатга киришишни ўзлаштирадилар. Ҳашар, тўй ва бошқа турли маърака ва маросимлар ҳамда миллий қадриятлар маҳалланинг ижтимоийлаштириш функциясини сақлаб қолган. Иқтисодий функцияси эса маҳалла аҳолисининг моддий эҳтиёжларини қондириш учун иқтисодий алоқаларни ташкил қилишда ҳам муҳим вазифани бажаради. Бугунги кунда ҳам маҳалланинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш ва хизматлар соҳасини ривожлантириш маҳалла фаолиятининг устувор йўналиши хисобланади. Маҳалла жамоатчиликни бошқариш ва назорат қилишда самарали восита бўлиб келаётir. Ўтмишдаги табиий оғатлар ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда жамоатчиликнинг ҳамжиҳатлиги ва маҳалланинг бошқарув ролидан фойдаланилган. Бугунги кунда ҳам маҳалла жамоатчилик назоратининг асосий бўғини хисобланади. Маҳалла фаолиятини таҳлил қилишда унинг тарихий ривожланиши, ижтимоий ва иқтисодий ролини тушуниш муҳим. Ҳозирги даврда маҳалланинг самарадорлигини ошириш учун қатор таклифлар мавжуд бўлиб, уларнинг ижросини таъминлаш муҳим вазифадир.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ёшларга оид сиёsatни муваффақиятли амалга оширишда давлат муассасалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга

эга. Иккала секторнинг ўзига хос қучли томонларини ишга солган ҳолда, бу ҳамкорлик ёшлар аҳолисининг турли эҳтиёжларини қондирадиган кенг қамровли, ҳар томонлама ривожланган дастурларни яратиши мумкин. Бироқ, ушбу ҳамкорликни оптималлаштириш учун ресурсларни тақсимлаш, алоқа бўшликлари ва турли мақсадлар каби муаммоларни ҳал қилиш керак. Олдинга ҳаракат қилиш, манфаатдор томонлар ўртасида инклузив мулоқотни ривожлантириш ёшларга оид сиёsat тез ўзгариб бораётган дунёда сезгир ва долзарб бўлиб қолиши учун жуда муҳимдир. Ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш орқали биз ёшларнинг имкониятларини кенгайтиришимиз ва бутун жамият учун порлок келажак куришимиз мумкин. Давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ҳамкорлиги ёшларга оид давлат сиёsatини самарали амалга оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Бу ҳамкорлик натижасида ёшлар учун янги имкониятлар яратилади, уларнинг ижтимоий-иктисодий фаоллиги ошади ва мамлакатнинг баркарор ривожланишига хизмат қиласи. Тизимли ёндашув ва узлуксиз ҳамкорлик асосида ёшлар сиёsatида янги самарали механизмларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Norqul o‘g‘li, Y. S. (2024, December). O ’ZBEKISTONDA YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI-YOSHLAR IQTIDORINI NAMOYON QILISH IMKONIYATLARI. In International Conference on Economics, Finance, Banking and Management (pp. 131-135).
2. Ramazanovich, J. S. (2025). YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI VA SPORT YO’NALISHLARDAGI ISLOHOTLAR. AMERICAN JOURNAL OF EDUCATION AND LEARNING, 3(1), 809-812.
3. Mudarifovna, I. Z. (2024). YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATINING AYRIM XUSUSIYATLARI. PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS, 4(39), 8-13.
4. Yusupov, A. (2024). O’ZBEKISTONDA YOSHLAR IJTIMOIY-SIYOSIY FAOLLIGINI OSHIRISHDA MADANIY VA MAFKURAVIY OMILLARNI O’RGANISHNING NAZARIY ASOSLARI. QO’QON UNIVERSITETI XABARNOMASI, 11, 81-83.